

12-10-2019

ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ- ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИНГ АСОСИ

Zokirjon Odiljonovich Muminov

Head of the Educational-Methodical Department of Namangan State University, teacher of physics and informatics

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Muminov, Zokirjon Odiljonovich (2019) "ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ- ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИНГ АСОСИ," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 12 , Article 72.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss12/72>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ- ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИНГ АСОСИ

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2019 йил 12 сон

**ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ФАОЛИЯТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ-**

ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИНГ АСОСИ
Жадал ривожланаётган иқтисодиёт
учун замонавий кадрлар керак.

Ш.Мирзиёев

Мўминов Зокиржон Одилжонович, Наманган давлат университети
ўқув-услубий бошқарма бошлиғи, физика-информатика фани ўқитувчиси

Муминов Зокиржон Одилжонович, заведующий учебно-методического управления
Наманганского государственного университета, преподаватель физики и
информатики

Muminov Zokirjon Odiljonovich, Head of the Educational-Methodical Department of
Namangan State University, teacher of physics and informatics

Аннотация:Талабаларнинг мустақил таълим фаолиятини ташкил қилишида алоҳида ёндашувни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга, бунда шахсий ёндашув, кўпинча, таклиф этилган вазифалар мазмуни орқали танлов асосида амалга оширилади. Бу эса ўз навбатида талабалар ўзларининг мустақил таълим олишлари учун мақсадларни белгилаш, ўз билимлари ва имконият чегараларини аниқлаш ҳамда кенгайтириш қобилиятини ривожлантириш имконини беради.

Ушбу мақолада талабаларнинг мустақил таълим фаолиятини ривожлантириш ўқув жараёнининг асоси эканлиги, мустақил таълим усули талабалар ўқув фаолиятини ривожланишида муҳим аҳамият касб этиши, мустақил ўрганиш талабалар шахсиятининг ижодкорона қирраларини ривожлантирилиши тўғрисидаги муаммолар ёритиб берилган.¹

Калит сўзлар: мустақил таълим; мустақил фаолият; мустақил иш; олий таълим; талаба.

Аннотация:Развитие самостоятельной учебной деятельности студентов должно стать основой учебного процесса. Методология самостоятельного обучения играет важную роль в развитии образовательной деятельности студентов. Самостоятельное обучение должно развивать творческие устремления студентов.

Важно придерживаться отдельного подхода к организации самостоятельного обучения студентов, причем индивидуальный подход часто предлагается на конкурсной основе через содержание предлагаемых заданий. Это, в свою очередь, позволяет студентам ставить цели для самостоятельного обучения, развивать свои способности определять и расширять свои знания и способности.

¹ Ш.М.Мирзиёев. “Илм-фан ютуқлари – тараққиётнинг муҳим омили”.

Ключевые слова: самостоятельное обучение; самостоятельная деятельность; самостоятельная работа; высшее образование; студенты

Abstract: *The development of students' independent learning activities should be the basis of the learning process. The independent teaching methodology plays a major role in the development of students' educational activities. Independent learning should develop the creative endeavors of students.*

It is important to take a separate approach to organizing independent student learning, with an individual approach often offered on a competitive basis through the content of the proposed tasks. This, in turn, allows students to set goals for their own independent learning, develop their ability to identify and expand their knowledge and capabilities.

Keywords: *selfeducation; independent activities; independent work; higher education; students.*

Мамлакатимизда юқори салоҳиятга эга, жаҳон миқёсида эътироф этилган олимлар кўп. Улар ўз мактабларини яратиши, шогирдлар тарбиялаши лозим. Ёш авлодни салоҳиятли кадрлар этиб тарбиялашдаги биринчи босқич – мактаб таълимини тубдан такомиллаштириш, илмий кадрлар ва юксак малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнининг узлуксизлигини таъминлашдан иборат².

Бугунги кунда олий таълим муассасаларининг нуфузи, профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти халқаро илмий ҳамжамиятда муносиб ўринга эга эмаслиги қайд этилди. Бу ҳолат таълим жараёнига дунёда тан олинган фан арбоблари, юқори малакали профессор-ўқитувчиларни жалб этиш яхши йўлга қўйилмагани, айниқса, илм-фанни ривожлантириш, тадқиқотларни ишлаб чиқариш билан интеграция қилиш, илмий фаолият натижадорлигини ошириш, иқтидорли талабалар илмий изланишлар олиб бориши учун зарур шароитлар яратилмаганлиги билан изоҳланади.

Иқтисодиёт шиддат билан ривожланаётган бир пайтда олий таълим тизими тараққиётнинг локомотиви бўлиш ўрнига, замон билан ҳамқадам бўлмаётгани, меҳнат бозоридаги таркибий ўзгаришларга жавоб берадиган, ёшларимизга касб-ҳунар ўргатадиган, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантирадиган тизимнинг йўқлиги ечимиини кутаётган бугунги куннинг долзарб масаласидир.

Олий таълимнинг асосий мақсад ва вазифаси замон талабларига жавоб бера оладиган малакали, юксак билимли, олий таълим мутахассиси талабларига ўзи танлаган йўналиши юзасидан талабга жавоб бера оладиган, илм-фан, маданият, иқтисод, ижтимоий соҳаларини ривожлантиришда ўз ҳиссасини қўшадиган, мустақил фикрлай оладиган, юксак маънавиятга эга бўлган юқори салоҳиятли ҳамда ижодий қобилияти шакланган, фаолияти давомида ўзини ривожлантира оладиган, ўзини-ўзи бошқариш ва инновацион фаолиятга ихтисослашган рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашдир.

² Ш.М.Мирзиёев. “Жадал ривожланаётган иқтисодиёт учун замонавий кадрлар керак”.

Юқоридаги мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, олий таълим муассасалари олдида турган энг долзарб вазифа талабаларини пассив истеъмолчилардан фаол яратувчига айлантириш, муаммони шакллантириш ва уни ҳал қилиш усулларини таҳлил қилиш, мақбул натижаларни топиш ва унинг тўғрилигини исботлашга қодир малакали мутахассисни етиштириб чиқаришдир. Бироқ, бу муаммони ҳал қилиш фақат битирув шаклида маълумотни ўқитувчилардан талабага ўтказиш йўли билан амалга ошириш мумкин эмас. Таълимда шуни таъкидлаш керакки, талабаларни пассив истеъмолчилардан фаол ижодкорликга этказиш, муаммоларни шакллантиришни ҳамда уларни ҳал этиш усулларини таҳлил қилиш, мақбул натижаларни топиш ва уларнинг тўғрилигини исботлашни билишлари керак.

Ҳақиқий таълим ҳар доим ўз-ўзини тарбиялашдир, бу муайян ёшдан бошлаб, инсоннинг эътиқоди ва доимий машқлари асосида амалга оширилиши мумкин.

Талаба агар мустақил ишлашни ўрганмаса, бу соҳани чуқур эгаллай олмайди. Китоблар, дарсликлар бир восита, холос. Соҳани фақат китоб ёки ўқитувчидан ўрганиб бўлмайди. Соҳадаги ечимларни қидириш устида мустақил изланиш талаб этилади.

Бакалаврият таълими йўналиши ўқув режасида умумий юкламанинг 30-35 фоизи мустақил таълимга ажратиш режалаштирилган. Демак талабаларнинг мустақил график топшириқларни бажариши учун фан ўқитувчиси томонидан бу жараёни оқилона, самарали ташкил этиши учун етарли вақт ва имкониятлар мавжуд. Хўш, бугунги кунда мустақил таълим учун ажратилган вақтдан қандай фойдаланилмоқда? Албатта, олий ўқув юртларида мустақил таълим учун етарли шарт-шароит бўлсада, бугунги кунга қадар ўргатиш парадигма³сидан чиқа олмаётганимиз ҳаммага маълум.

Ҳозирги пайтда олий таълим ислоҳоти таълимнинг ўргатиш парадигмаларидан мустақил таълим олиш парадигмасига ўтиш билан боғлиқ.

Шу муносабат билан талабаларнинг мустақил таълим фаолиятини ривожлантириш ўқув жараёнининг асоси бўлишинини эътироф этиш лозим. Мустақил таълим усули талабалар ўқув фаолиятини ривожланишида асосий рол ўйнайди. Бошқача қилиб айтганда, талабаларнинг билим фаолияти (таълим, тадқиқот ва амалий) асосий ҳаракатлантирувчи кучи ҳақиқатни излаш бўлиши керак.

Бу мустақил иш учун соат сонини ошириш ҳақида эмас, балки, талабаларнинг мустақил талимининг ролини мустаҳкамлаш ҳамда ОТМда ўқув жараёнини ташкил этишда талабаларни фанларни ўрганиш ва ўз-ўзини ривожлантириш қобилиятини

³ Парадигма (“παράδειγμα”, “намуна, модел, андоза”) - илмий жамоатчилик томонидан қабул қилинган, биргаликда фойдаланиладиган ва унинг кўпчилик аъзоларини бирлаштирган фундаментал илмий муассасалар, тушунчалар, қийматлар, усуллар, ёндашувлар, техник кўникмалар ва воситалар ҳамда атамалар тўплами. Фанни ривожлантириш ва илмий ижодкорликнинг узлуксизлигини таъминлайди.

шакллантириш, олинган билимларни ижодий ҳаётга татбиқ этиш, замонавий дунёда профессионал фаолиятга мослашиш учун мўлжалланган бўлиши кераклигини аниқлатади.

Маълумки, мустақил таълимни йўлга қўйишда нафақат талабларни муайян фан бўйича билим кўникма ва малакаларини ошириш, уларда мустақил дунёқарашни шакллантириш, шу билан бир қаторда бўлажак мутахассис сифатида талаба шахсида ижодий ва илмий тафаккурни ривожлантириш вазифаси турар экан, маълум маънода глобал профессионаллик масаласи ҳам ўз тасдиғини топмоғи лозим. Бу жараёндаги ижодий технологик ёндашув талабадан тезкор фикрлашни ва фаол ҳаракатни талаб қилади. Чунки талабадаги фаоллик ижодий фаолиятга айланган тақдирдагина меҳнатни илмий ташкил қилиш, вақтдан унумли фойдаланиш амалга ошади. Ана шунда талаба қизиқишлар асосида ўзининг диққатини муайян объектга қарата олади.

Ижодий технологик фаолият шунчаки осон кечадиган жараён эмас. Шахснинг сезгиси, идроки унинг хотираси ҳамда мантиқий тафаккур кўлами билан уйғун боғланиб кетади. Ижодий фаолиятда талабадаги билим инновацион кўникма ва малакалар билан янада такомиллашиб боради⁴.

Талабалар мустақил фаолиятининг ривожланишида рақамли ўқув ресурслари етакчи ўринни эгаллайди, жумладан, ўқув-методик қўлаб-қувватлайди. Таъкидлаш жоизки, ҳозирги вақтда ўқув жараёнида таълим ресурсларидан фойдаланиш асосан ўқитувчининг шахсий ташаббуси ва ғайратига боғлиқ. Бунда яқка ёки биргаликда интернет порталида иштирок этиш орқали ортиқча вақт ҳамда энергия сарфлашни олди олинади.

Маълумки ҳар қандай фанининг ўқув-услугий таъминоти назарий ва амалий характердаги ўқув материаллари тўпламини ўз ичига олади:

- маърузалар (назарий материаллар билан ўқитувчини визуал ва қисқача тақдим этиш имконини берадиган барча машғулотлар учун тақдимотлар ишлаб чиқилганлиги ва талаба учун уни тез ўзлаштиришини назарда тутиш лозим);
- рақамли таълим ресурслари, жумладан, интернет тармоғидаги таълим ресурслари;
- ўқув қўлланмалари электрон кутубхонаси (ўқув қўлланмаларидан сканерланган материалларни ўз ичига олади, бу ерда тушунарли шаклда, одатда амалий вазифаларнинг ечимлари тақдим этилади). Айниқса, кутубхона материалларини доимий янгилаб борилади;
- илмий-техникавий сайтлар аннотацияси, порталлар ва уларга алоқадор изоҳлар;
- тест саволлари ва тест саволлари банки.

Ҳар бир талаба фанлар бўйича зарур ўқув материаллари билан таъминланиши керак.

⁴ Хусаинов Р.Р. “Олий таълимда фанларни ўқитиш сифатини оширишда мустақил таълимнинг роли”

Ўқув материаллари электрон тақдим этилиши лозим, унда:

- маъруза матнлари, назорат материаллари;
- амалий машғулотлар учун саволлар;
- дарсларга тайёргарлик бўйича услубий тавсиялар келтирилган бўлиши

шарт.

Бунинг натижасида талаба қуйидаги имкониятларга эга бўлади:

- фанга оид билим ва кўникмаларни эгаллашга қаратилган ўқув фаолиятини режалаштириш;

- маърузалардаги қайси масалаларга алоҳида эътибор берилиши кераклигини белгилаш, булардан ташқари дарсдан ташқари машғулотларда ишлаш;

- ўз-ўзини назорат қилиш ва ўзини мустақил баҳолаш усуллари аниқлаш.

Ўқув жараёнида назорат ва баҳолаш фаолиятини амалга ошириш учун ҳар бир талабани академик фанлар бўйича баҳолаш-синов материаллари билан таъминлаш мақсадга мувофиқдир.⁵

Ушбу материаллар мустақил иш учун саволлар ва вазифаларни ўз ичига олади. Таклиф қилинадиган рўйхатга маърузалар ҳамда амалий машғулотлардаги барча саволлар ва вазифалар киритилиши тавсия этилади.

Назорат материаллари, шунингдек, фаннинг ҳар бир предмети учун тест топширигини ҳам ўз ичига олади. Шундай қилиб, талабалар учун назорат саволлари ва вазифалари очиқ ҳолатда берилиб, бу эса ўз навбатида талабаларга дарсларга тайёргарлик кўришда кам вақт ва кам куч сарфлаш, шунингдек, сифатли ўқув материалларини ишлаб чиқишга имкон беради. Бундан ташқари, очиқ саволлар ва топшириқлар орқали талабаларнинг ўқув жараёнидаги муаммоларини бартараф этиш ва аудиторияда мулоҳазаларни амалга оширишда ҳаяжонни камайтиришга эришилади.

Талабаларнинг билим ва кўникмалар сифати кўп жиҳатдан жорий назоратнинг мунтазам ўтказилишига боғлиқ.

Биринчи навбатда жорий назоратнинг мунтазам ўтказилишини қандай амалга ошириш мумкин?

Шу сабабли доимий ҳисоботни амалга ошириш учун ҳар бир маъруза бошида олдинги маъруза материаллари ёки рақамли ўқув ресурсларидан фойдаланган ҳолда ўзлаштирган мавзу бўйича ёзма синов ўтказиш тавсия этилади.

Синовни ёзиш учун одатда 10 дақиқагача вақт бериш мақсадга мувофиқдир. Синов, мултимедияли проектор ёки электрон доска ёрдамида тақдимот кўринишида амалга оширилиши керак.

Муайян синовга киритилган тест топшириқлари сони олдиндан талабаларга етказилади. Синов натижаларига кўра, талабалар балл оладилар. Бундай ишлар

⁵ Б.Ходиев, И.Саифназаров. “Фалсафа (Этика. Эстетика. Мантиқ) фанидан талабаларга “мустақил таълим” бўйича услубий қўлланма”

талабаларни мунтазам равишда ўқув материаллари билан мустақил равишда ишлашга ва дарсларга тайёргарлик кўришда уларнинг масъулиятини оширади.

Ўқитувчининг маърузалардаги мақсадларига ва талабаларнинг истакларига қараб, баъзи бир тест топшириқлари маърузада муҳокама қилиниши мумкин.

Талабалар билан дастлабки танишишнинг асосий ғояси шундаки, ҳар бир талаба машғулотларга тайёргарликнинг асосий стратегиясини ўзлаштира олиши ва натижада тест ёки имтихон (автоматик ёки анъанавий) топшириш шаклини белгилайди. Дастлабки танишувдан бошлаб талаба ҳар бир фандан синовни қандай топширишни танлайди ҳамда синовларни автоматлаштирилган ҳолда олиш талабалар учун биринчи курсдан бошлаш тавсия этилади.

Кўриниб турибдики талабалар ҳар бир фан бўйича ўзларининг илмий ютуқларининг электрон мажмуасини яратадилар.

Талабаларнинг мустақил таълим фаолиятини ташкил қилишда алоҳида ёндашувни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.


Шахсий ёндашув, кўпинча, таклиф этилган вазифалар мазмуни орқали амалга оширилади. Уларни бажариш вазифаларни қийинчилик даражасига қараб ҳар хил усулларда (биргалликда, гуруҳлар, жуфтликлар ёки алоҳида-алоҳида) амалга оширилади. Талабалар мустақил ишни ўқитувчи томонидан тавсия этилган вазифалардан мустақил равишда танланишади.


Танловни амалга оширишда талабалар ўзларининг таълим олишлари учун мақсадларни белгилаш, ўз билимлари ва имконият чегараларини аниқлаш ҳамда кенгайтириш қобилиятини ривожлантириш имконини беради.

Мустақил таълим режа-дастурини босқичли ҳамда аста-секин мураккаблаштириб бориш лозим.

Демак, энг аввало талабаларнинг мустақил ишини режалаштиришдан бошлаш лозим. Чунки режасиз ҳар қандай фаолият натижага эришмайди.

Буни қуйидаги схема орқали ифодалаш мумкин.





Талабаларнинг таълим фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш воситаларидан бири-ижодий вазифалар (таълим лойиҳалари) бўлиб, унда улар мустақил равишда ишлашлари, керак бўлганда, ўқитувчилардан яқка тартибда маслаҳат олишлари мақсадга мувофиқ.

Бунинг учун биз талабага назорат топшириқларини босқичли равишда бериб бормоғимиз, бирданига мураккаб топшириқни эмас, талабани ўзлаштириш даражасига мувофиқ осондан мураккабга томон бориш принципида амалга ошириш лозим. Бу ерда оддий арифметикага амал қилган ҳолда, ўрта, яхши ва аъло ўзлаштирувчиларни кичик гуруҳларга тўғри тақсимлаб, топшириқларни аста-секин мураккаблаштириб анъанавий методлардан интерфаол методларга ўтиш тартибда ўзлаштириш суръатини кўтариш талаб этилади.

Талабаларнинг мустақил фаолиятларини ташкил қилиш учун гуруҳ иши технологиясидан фойдаланиш тавсия этилади. Гуруҳлардаги ишлар талабаларга ўз фаолиятларини ташкил этишга, яъни, фаолият мақсадини белгилаш, режалаштириш, фаолиятни мониторинг қилиш ва баҳолашни амалга ошириш имкониятини яратади.

Шуни таъкидлаш керакки, талабаларнинг таълим соҳасидаги ҳамкорлиги машғулотларнинг сифатини яхшилайти, муайян саволга жавоб топишга, шунингдек, талабалар бир-бирлари билан илмий муносабатларни ривожлантириш имконини беради.

Таҳлил ва натижалар

Талабаларнинг мустақил фаолиятини амалга ошириш жамиятда фаол иштирок эта оладиган мутахассисларни тайёрлаш учун муҳим шартлардан бирдир.

Мустақил таълимнинг муаммоси олий таълим массасидаги назарий тайёргарлик даврида талабаларнинг дарсдан ташқари мустақил ишлаши ҳажми ва тузилмасини таҳлил қилишни ўз ичига олади ҳамда мустақил таълимни самарали ташкил этиш ўқув жараёнини жадаллаштиришга ва талабаларнинг ижодий қобилиятлари, билимларини ривожлантиришга ёрдам беради.

Хулоса ва таклифлар

Мустақил таълим жараёнида амалий машғулотларда тақдим этилган энг яхши материаллар ўз-ўзидан ўқиш пайтида ҳамда кейинги курсларда фойдаланиладиган асарлари тўпламини тўлдиради.

Бундай ёндашув ўқув жараёнини кучайтиради, семестр давомида талабаларнинг мустақил ишини фаоллаштиради, нотўғри ва асоссиз баҳолашларнинг эҳтимолини камайтиради.

Қайси соҳада бўлмасин билимларни мустақил равишда эгаллашга интилиш – талаба фаолиятининг таълим муассасасидаги энг ажралиб турадиган хусусияти, мустақил ўқиб, билим орттириш асоси ҳисобланади. Таълим тизимида мустақил билим олиш, назорат қилиш мустақил таълим олишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Мустақил билим олишда аввало, талабаларда мустақил ишлашга, эркин, ижодий фаолият юритишга ва энг асосийси мустақил фикрлашга эҳтиёжни шакллантириш лозим.

Умуман олганда, фаннинг ўқув-услубий жиҳатдан қўллаб-қувватланиши, олий ўқув юртининг ўқув жараёнига рақамли таълим ресурсларини жорий этиш-алоҳида ўқув таълимини ривожлантиришга, талабаларни мустақил йўналтиришга имконият яратади ва олий таълим муассасалари ўқув жараёнларида талабалар мустақил таълимининг улушини ошириш зарур.

References:

1. SH.M.Mirziyoev. “Ilm-fan yutuqlari – taraqqiyotning muhim omili”. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2016 yil 30 dekabr kuni mamlakatimiz etakchi ilm-fan namoyandalari bilan uchrashuvidagi nutqi. Xalq so‘zi: 2016 yil 31 dekabr. № 259 (6694)
2. SH.M.Mirziyoev. “Jadal rivojlanayotgan iqtisodiyot uchun zamonaviy kadrlar kerak”. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 24 oktyabr kuni oliy ta’lim sohasini yanada rivojlantirish, kadrlar tayyorlash sifatini oshirish, ilm-fan va ishlab chiqarish integratsiyasini kengaytirish masalalariga bag‘ishlangan yig‘ilishdagi nutqi-Toshkent: president.uz/uz/lists/view/2107
3. Altaysev A.M., Naumov V.V. “Universitetskoe obrazovanie: ot effektivnogo prepodavaniya k effektivnomu ucheniyu”. Uchebno-metodicheskiy kompleks kak model organizatsii uchebnix materialov i sredstv distansionnogo obucheniya – Minsk: 2001 g. – 288 s.
4. Listengarten V.S. “Samostoyatel’naya deyatelnost studentov” Posobie dlya prepodavateley vuzov – Voronej: 1996. – 94 s.

5. S.M.Godnika, V.I.Xlopovskix. “Samostoyatel'naya deyatelnost studentov v usloviyax negosudarstvennix i gosudarstvennix vuzov” monografiya-Voronej: 1996. – 120 s.
6. Bayluk V. V. Sistemnost samostoyatel'noy deyatelnosti studentov vuza-osnova professionalnoy samorealizatsii:monografiya-Ekaterinburg, 2015.
7. Xusainov R.R. Oliy ta'limda fanlarni o'qitish sifatini oshirishda mustaqil ta'limning roli- Toshkent. Zamonaviy ta'lim. 2016 y. 4-son.
8. B.Xodiev, I.Saifnazarov. “Falsafa (Etika. Estetika. Mantiq) fanidan talabalarga “Mustaqil ta'lim” bo'yicha uslubiy qo'llanma” – Toshkent: Iqtisodiyot, 2017 yil, 15 bet.

МУНДАРИЖА

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ

01.00.00

ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИЕ НАУКИ

PHYSICAL AND MATHEMATICAL SCIENCES

- 1 Visual c# da razryadli operatsiyalar.
Temirov O.M..... 3
- 2 Java dasturlash tilida abstrakt sinflar
Holmirzayev H.E..... 6
- 3 Ўнг томони номаълум ва коэффициенти узулишга эга бўлган биринчи тартибли
чизиқли оддий дифференциал тенглама учун масалалар
Тиллабаева Г.И..... 10
- 4 Matematika darslarida muammoli ta'lim
Alixanov O.O..... 15
- 5 О некоторых задачах теории одномерной бифуркации
Тухтасинов М,Кушақов Х.Ш 20

КИМЁ ФАНЛАРИ

02.00.00

ХИМИЧЕСКИЕ НАУКИ

CHEMICAL SCIENCES

- 6 Карбоксиметилцеллюлоза: олиниши, айрим физик – кимёвий хоссалари,
ишлатилиши (обзор)
Сайпиев Т.С..... 27
- 7 N-vinilpirrolidon asosida suvda eruvchan sopolimerlar sintez qilish va ular
makromolekulalarining kompozitsion tuzilishini o'rganish
Toshmatov Y.R., Dexqonov R.S.,Boydedayev. A.A..... 39

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

03.00.00

БИОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ

BIOLOGICAL SCIENCES

- 8 Far1 Related Sequence (FRS) генлар оилас ининг вакили frs10 генни g.hirsutum
туридаги функсиясини рнки технологияси ёрдамида ўрганиш.
Усманов Д.Э, Буриев З.Т, Абдукаримов Ш.С, Собиров Б.М, Мухторов А. Т..... 46
- 9 Кўхитанг тизмаси флораси таркибидаги ziziphora l. туркуми турларининг
биоэкологияси
Ибрагимов А.Ж,Батошов А.Р,Каримов Б.А,Мирзаев С.И 50

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ

05.00.00

ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ

TECHNICAL SCIENCES

- 10 Интернет самарали коммуникация канали сифатида
Бекназаров К.Т..... 54

ТАРИХ ФАНЛАРИ

07.00.00

ИСТОРИЧЕСКИЕ НАУКИ

HISTORICAL SCIENCES

11	XX asrning 60-80-yillarida namangan viloyati xalq ta'limi tizimi: muammolar va yutuqlar Mamasaidov L. P.....	60
	ФАЛСАФА ФАНЛАРИ	
	09.00.00 ФИЛОСОФКИЕ НАУКИ	
	PHILOSOPHICAL SCIENCES	
12	Tarixiy taraqqiyotda ayollarning o'rnini Mamatov O.V.....	64
13	Миллий байрамларда санъат турларининг ифодаси Шадиметова Г.М.....	67
14	Замонавий санъатларда янги эстетик мезонларнинг вужудга келиши Кадирова Д.С.....	72
15	Мақом куйларининг фалсафий-эстетик моҳияти Нуруллаева З.С.....	78
16	Ахборот медиамаданияти трансформацияси ва глобаллашуви Кодиров Н.М.....	83
17	Ренессанс даври мутафаккирлари оилавий муносабатларда поклик ва гўзаллик ҳақида Хандамова М.....	93
18	Полифункционаллик халқ қабулхоналарининг ўзига хос хусусияти сифатида Айтбоев М.Ю.....	99
19	Оиланинг жамиятдаги роли ва ижтимоий функциялари Абдуллаева Н.....	103
20	Инновация фалсафасининг ижтимоий функционал хусусиятлари Ходжаев С.Б.....	108
21	Боҳарзий ва унинг вақф ерлари Норова М.Ф.....	113
22	Туркистон “Янги усул” мактабларида таълим жараёнининг ташкил этилиши ва ундаги гендер муаммолари Намазова Ю.М.....	121
23	Аҳмад Заки Валидийнинг тарих фалсафаси Хужаев М.И.....	126
	ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ	
	10.00.00 ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ	
	PHILOLOGICAL SCIENCES	
24	The Role of stylistics in linguistics and literature Umrzaqov I. I.....	133
	Девону Луғотит Турк” асарида қўлланган шахс номлари гуруҳига оид	
25	лексемаларнинг семантик хусусиятлари Розикова Г.З.....	136
26	О'zbek tiliga o'zlashgan arabcha leksemalar va ularning badiiy asarlarda qo'llanilishi Rahmatullayev.Y.....	142
27	Замонавий таълим тизимида касбий компетентликни модуллаштиришмоҳияти	

Абдиева С.М.....	146
28 Qo'shma gaplarda shakl va mazmun Ahmedova N.Sh.....	151
29 Краткий обзор по историю изучения терминов родства в узбекских и английских языках Каримова В.....	156
30 O'zbek adabiy tili uslublarining shakllanishi Vabaxanova D.A.....	163
31 Йўл мотиви ҳақида Қўчқаров О.....	169
32 Жаҳон тилшунослигида диний функционал услубнинг ўрганилиши Юсупова Ш.Т.....	173
33 Жек лондоннинг исёнчи асаридаги воқеаликни тасвирлаш хусусиятлари Najmiddinov J, Bahodirov A.....	179
34 Johann Wolfgang Gytoring "Yosh Verterning iztiroblari" romanida poetonimlar talqini Vozorova R.Sh.....	182
35 "Алпомиш" библионими ва бош тимсол исми, лақаби хусусида Улуқов Н, Юнусова Б.....	186
36 Наманган қипчоқ шевалари ва этнослараро жараёнлар Дарвишов И.Ў.....	190
37 Grammatik ko'rsatkichlarning o'zlashtirilishida aniqlik darajasi (O'zbek tilini o'rganayotgan koreyslar misolida) Saidaxmedova O.I.....	197
38 Перевод понятий означающие национальных конвенций, традиций и обряд Самандаров . Ш.С.....	202
39 Принцип вежливости в речевом общении. Саидова М.Ш, Холматова Г.И.....	205
40 Адабиёт ва прагматика Раҳимов У.Э, Махаммаджлонов Н.Д.....	209
41 Хикматли сўзлар таржимасида қофияни сақлаш Абдуллажанов А, Мамадалиев Э.....	214

ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ
11.00.00 ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ НАУКИ
GEOGRAPHICAL SCIENCES

42 Фарғона водийси дарёлари оқимининг иқлим илишига реакцияси Солиев И.Р., Ғулумжонов Д.....	219
---	-----

13.00.00 ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ
ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PEDAGOGICAL SCIENCES

43 Готовность будищих педогогов как основной фактор успешности инклюзивного образования Сатторов М, А.....	225
---	-----

44	Педагогик стратегия - олий таълим муассасаси битирувчисининг рақобатбардошлигини шакллантиришнинг концептуал асоси Эргашев Б.Б.....	229
45	Таълимда ахборот коммуникацион технологияларидан фойдаланиш афзалликлари Ниязова Н.А.....	234
46	Олий таълим муассасалари ўқув-тарбия жараёнида фанларичра ва фанлараро интеграциясини таъминлашнинг педагогик-психологик масалалари Жуманов А.А.....	237
47	Мактабгача таълим ташкилотларини инновацион ривожлантириш муаммолари Абдуназарова Н.Ф, Хамдамова М.Т, Парманов Ж.А.....	242
48	Физика ўқитувчиларининг таълимга инновацион ёндашуви Бекназаров З.Ф.....	245
49	Тухника йўналишиндаги мутахассис компетентлигининг модели Даминов О.О.....	250
50	Олий таълим муассасаларида замонавий инновацион технологияларини қўллашнинг ўзига хослиги ва хусусиятлари Исмаилова З.К, Химматалиев Д.О.....	257
51	To actual directions of development of export of fruit and vegetable products in Uzbekistan Avulchaeva F.....	261
52	The significance of cultural awareness in second language learners' classroom Umirzakova D.A.....	264
53	Boshlang'ich sinf o'quvchilarini kommunikativ kompetensiyasini shakllantirish yo'llari Jo'rayeva T.U, Shamirova Y.K	268
54	Role of peer observation in foreign language teaching Jalolov Sherali, Botirova Z.X.....	274
55	Ingliz tilni o'rgatishda mnemonik usullardan foydalanish Yunusova Y.B.....	278
56	Талаба ёшлар соғлом турмуш тарзини шакллантириш масаласига қадрият сифатида қарашни тарбиялаш муаммолари Назаров А.Т.....	281
57	“Олий таълим муассасалари ўқув–жисмоний машғулотлар жараёнини ташкиллаштиришда blended learning концепциясидан фойдаланиш орқали таълим сифатини ошириш” Махкамов А.Ю.....	284
58	Ўқувчиларнинг геометриядан ўқув фаолиятини фузионизм ғояси асосида такомиллаштириш йўллари Ғойибназарова Г.Н, Джураева Ш.К.....	288
59	Мактабгача таълим муассасаларини сифат жиҳатдан такомиллаштириш Ибрагимова Г.Н.....	293
60	8-синф физика курсининг “электр заряд. электр майдон” бобини ўқитиш Зоҳидов И.О, Каримова Р.К, Умаров А.О.....	298

61	Таркибида сирт фаол модда тутган учкарбамид хлорат натрий дефолиантини олиш жараёнини ўрганиш Умиров Ф.Э, Худойбердиев Ф.И, Номозова Г.Р, Закиров Б.С.....	303
62	Ижтимоий-эмоционал кўникмалар шаклланишининг педагогик-психологик омиллари Раҳимова М.А.....	311
63	Ҳамкорлик педагогикасининг узлуксиз таълим тизимидаги инсонпарварлашув хусусиятлари Ўринова Ф.Ў, Усмонова Ш.Ё.....	317
64	Чақириққача ҳарбий таълим бўйича мутахассисларни шакллантиришнинг долзарб масалалари Хасанов А.Т, Юсупов Т.Т.....	323
65	Мобиллик-олий педагогик таълимни модернизация қилиш сифатида Эшназарова М.Ю.....	327
66	Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларида касбий муҳим сифатларни шакллантириш педагогик жиҳатлари Қодиров М.М.....	332
67	Бошланғич таълимда прагматик ёндашув асосида матн ўқишнинг ўзига хос хусусиятлари Йўлдашева Д, Буважонова М.....	338
68	Бошланғич таълимда интеграциялашган ўқитишнинг аҳамияти Рустамова Д.....	341
69	Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни нутқ маданиятини шакллантиришда китоб ва унинг аҳамияти Ўринова Ф, Сидикова З.....	344
70	Технология использование метода кейс-стади при изучении компьютерной графики. Отабаева Ф.Т.....	348
71	Pedagogik tajribalarni to'plash va ommalashtirish tizimi Mo'minova G, Insarova G,.....	355
72	Талабаларнинг мустақил таълим фаолиятини ривожлантириш- ўқув жараёнининг асоси Мўминов З.О.....	359
73	Innovatsiya ta'limning muhim elementidir. Madaminov F.Sh.....	367
74	Intellectual kompyuter o'yinlari yordamida individual matematik ta'limni yo'lga qo'yish Najmiddinova . N.Y.....	373
75	Футболчиларни эмоционал ҳолатларини аниқлашнинг методик хусусиятлари Сатиев Ш.К	378
76	Бўлажак ўқитувчиларнинг мустақил фикрлаш маданиятини ривожлантириш моделини такомиллаштириш. Қамбаров М.М	384

77	Содержание и структура учебников по методике обучения языкам Габдулхаков, Фарид Ахунович.....	391
	ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ PSYCHOLOGICAL SCIENCES	
	19.00.00	
78	Оилада болаларнинг ижтимоий- ахлоқий сифатларини шакллантириш омиллари Ортиқова З.Н.....	395
	СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ СОЦИОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ SOCIOLOGICAL SCIENCES	
	22.00.00	
79	Маънавий тарбия ва тарихий онг Махкамов Қ.О.....	398